



"26" Май 2020 йил

№ 1332к

Тумандаги "Якуб Анназар" фермер  
хўжалигига қўшимча ер майдони  
ажратиш тўғрисида

Тумандаги, пахта-ғаллачилик йўналишидаги "Якуб Анназар" фермер хўжалиги раҳбари Ибрагимов Рашиднинг фермер хўжалигига қўшимча ер майдони олиш бўйича танловда қатнашишга руҳсат беришни сўраб ёзган сўровномасини, тумандаги давлат захирасидаги ерларда фермер хўжалик ташкил қилиш истагини билдирган фуқаролар ва фермер хўжалик раҳбарлари ўртасида танлов ўтказиш туман комиссиясининг баёнини ва тақдим қилинган ҳужжатларни эътиборга олиб, Ўзбекистон Республикаси "Ер кодекси"нинг 6, 53-моддаларига, Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги ҳамда "Махаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонунларига асосланиб

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Тумандаги давлат захирасидаги ерларда фермер хўжалик ташкил қилиш истагини билдирган фуқаролар ва фермер хўжалик раҳбарлари ўртасида танлов ўтказиш туман комиссиясининг танлов натижалари бўйича қабул қилган йиғилиш баёни қарори маъқуллансин.

2. Мухомон қишлоғи ҳудудидан танловга қўйилган №22-лойиха бўйича "Якуб Анназар" фермер хўжалиги танлов ғолиби деб топилсин, фермер хўжалигига Мухомон қишлоғи ҳудудидан, қишлоқ хўжалик харитасининг №62, 65, 75к, 512к, 87, 88, 89, 90, 91, 114, 2-контурлардаги жами 21,4 гектар (шундан суғориладиган экин ер 7,2 гектар, ариқ ва зовурлар 11,2 гектар, йўл ва уватлар 2,4 гектар, қурулиш ости ерлар 0,6 гектар) қўшимча ер майдони ажратиб берилсин.

3. Шу муносабати билан "Якуб Анназар" фермер хўжалигининг № 62, 65, 75к, 512к, 87, 88, 89, 90, 91, 114, 2, 518, 172, 174, 175, 176, 177, 178, 179, 185, 510, 511, 520, 521, 18к, 22, 23, 68, 69, 70, 64, 10, 11, 12, 13, 14, 15, 16, 63-контурлардаги жами 102,8 гектар (шундан суғориладиган экин ери 74,8 гектар, бўз ерлар 3,3 гектар, ариқ ва зовурлар 14,9 гектар, йўл ва уватлар 5,1 гектар, қурулиш ости ерлар 0,7 гектар, бошқа ерлар 4,0 гектар) этиб белгилансин ва фермер хўжалигига 37 йил муддатга ижарага берилсин.

4. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Ф.Собиров)га, вилоят ҳокими қарори қабул қилингандан кейин ажратилган ер участкасини белгиланган тартибда жойни ўзида (натурада) белгилаб бериш, далолатнома асосида топшириш ҳамда ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасини қайта расмийлаштириш вазифаси топширилсин.

5. "Якуб Анназар" фермер хўжалиги раҳбарига, фермер хўжалигига қўшимча ер майдони ажратилиши муносабати билан банк, тайёрлов ва хизмат кўрсатувчи корхоналар билан шартномалар тузиш вазифаси юклатилсин.

6. Ушбу қарор ҳалқ депутатлари Ҳазорасп туман Кенгаши сессиясига тасдиқлаш учун киритилсин.

7. Ушбу қарорнинг тасдиғи вилоят ҳокимидан сўралсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Туман ҳокими

Ў.Машаришов